
Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

2026-yil,
24-sentabr,
payshanba
№117
(5337)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Ўзбекистон – Хитой касаба уюшмалари:

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ҲАМДА МЕҲНАТКАШЛАР ОЛДИДАГИ УМУМИЙ МАСЪУЛИЯТ

Қарийб 18 миллиард долларлик товар айирбошлаш, Ўзбекистонда фаолият юритаётган олти мингдан зиёд қўшма корхона, ўнлаб миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари...
Ушбу рақамлар Ўзбекистон – Хитой муносабатларининг бугунги улкан кўламидан дарак беради. Табиийки, ҳар қандай йирик лойиҳа ва иқтисодий кўрсаткич ортида инсонлар меҳнати туради. Демак, ҳамкорлик кенгайгани сайин меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш масалалари ҳам долзарб аҳамият касб этиб бораверади.

23 сентябрь куни Пекинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов ҳамда Бутунхитой касаба уюшмалари Федерацияси раиси Ван Дунмин ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида ана шундай муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Ван Дунмин айни пайтда Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси ўринбосари лавозимида ҳам фаолият юритади. У раҳбарлик қилаётган Бутунхитой касаба уюшмалари федерацияси 1925 йилда ташкил этилган бўлиб, мамлакатдаги ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштиради, меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этади.

Учрашув чоғида Ван Дунмин Хитойнинг бугунги иқтисодий тараққиёти, мамлакатда янги – ўн бешинчи беш йиллик режани амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритди. У Ўзбекистон касаба уюшмалари билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтиришга, амалий ҳамкорликни янада кучайтиришга, меҳнат жамоалари ва касаба уюшмалари вакиллари ўртасидаги алмашинувларни рағбатлантиришга тайёр эканини билдирди.

Хитой томони Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари билан алоқаларни ривожлантиришга ҳам алоҳида қизиқиш билдирмоқда. Бу эса икки томонлама муносабатларнинг келгусида янада кенг минтақавий мазмун касб этишидан далолат беради.

Қудратилла Рафиқов ўз нутқида Ўзбекистон – Хитой муносабатларининг бугунги юксак даражасида икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

«Бугун давлатларимиз раҳбарлари, яқин дўстлар – ҳурматли Президент Шавкат Мирзиёев ва ҳурматли Раис Си Цзиньпиннинг муштарак сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлиги ўз тарихининг энг юксак даврини бошдан кечирмоқда», деди Қудратилла Рафиқов.

У шу йил 31 август куни Бишкек шаҳрида Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокараларни ҳам алоҳида қайд этди. Ушбу мулоқот чоғида давлат раҳбарлари ҳар қандай шароитда ҳам мустаҳкам, ҳар томонлама стратегик шерикликни янада кенгайтиришга интилишини тасдиқлаган эди.

«Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистон билан дўстлик ва ҳамкорликнинг янги «олтин ўн йиллиги»ни бошлашга тайёр эканини алоҳида таъкидлади», деди Қудратилла Рафиқов.

Икки мамлакат ўртасида иқтисодий алоқалар кенгайгани сари касаба уюшмалари олдидаги вазифалар кўлами ҳам ортиб бормоқда. Бугун амалдаги қўшма инвестиция лойиҳалари портфели қарийб 60 миллиард долларга баҳоланмоқда. Саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, юқори технологиялар сингари ҳамкорлик қамрови ҳам йилдан-йилга кенгаймоқда.

Бу жараёнда ҳар бир янги корхона, ҳар бир йирик ишлаб чиқариш майдони янги иш ўринлари, янги меҳнат жамоалари ва табиийки, меҳнат муносабатларига доир янги вазифаларни юзага келтиради. Шу маънода касаба уюшмалари ўртасидаги мулоқот иқтисодий ҳамкорликнинг ижтимоий таянчларидан бирига айланмоқда.

Икки давлат касаба уюшмалари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар анча аввал бошланган. 2024 йил октябрь ойида Хитой касаба уюшмалари делегацияси Тошкентга ташриф буюрган, музокаралар якунида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган эди.

Пекиндаги учрашув эса Ўзбекистон касаба уюшмалари делегациясининг Хитойга илк расмий ташрифи сифатида ҳам аҳамиятли бўлди.

«Ўзбекистон касаба уюшмалари учун Бутунхитой касаба уюшмалари Федерацияси – ишончли ҳамкор ва вақт синовидан ўтган дўст. Бизни муштарак мақсадлар ҳамда меҳнаткашлар олдидаги умумий масъулият бирлаштириб туради», дея таъкидлади Қудратилла Рафиқов.

Федерация раиси Ўзбекистон томони ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича хитойлик ҳамкасбларига бешта таклиф билдирганини маълум қилди. «Уларнинг иккитаси бўйича ишлар аллақачон бошланганидан мамнунмиз», деди у.

Келгусидаги ҳамкорликда тажриба алмашиш, касаба уюшмалари фаолиятидаги замонавий ёндашувларни ўрганиш, гуманитар алоқаларни кенгайтириш каби йўналишларга устувор аҳамият бериш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон томони Хитой касаба уюшмаларининг амалий тажрибасини ўрганиш ва самарали механизмларни миллий амалиётга мослаштиришдан манфаатдор эканини билдирди.

Ўзбекистон делегацияси ташриф дастури доирасида Сиань шаҳридаги Меҳнат илғорлари музейи, машинасозлик заводи ҳамда «Хитой – Европа» поездлари таркибини шакллантириш марказида бўлди.

Мазкур танишув чоғида, айниқса, Хитойда меҳнат кишисига бўлган муносабат делегация аъзолари эътиборини тортди.

«Биз Хитойда меҳнат аҳлига кўрсатилаётган юксак ҳурматни яна бир бор ҳис этдик. Бугунги қудратли ва замонавий Хитой ана шу инсонлар билими, маҳорати ва фидокорона меҳнати билан барпо этилмоқда», деди Қудратилла Рафиқов.

Дарҳақиқат, замонавий иқтисодиёт аввало инсон капитали, касб маҳорати ва меҳнатга муносабат билан барпо бўлади. Хитой тажрибасида ишчи ва мутахассисларнинг меҳнатини эътироф этиш, уларнинг ютуқларини кенг тарғиб қилиш алоҳида ўрин тутади.

Музокараларда Хитойнинг камбағалликни қисқартириш борасидаги тажрибаси ҳам муҳим мавзулардан бирига айланди.

Қудратилла Рафиқов бу борада Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларга тўхталди. «Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Янги Ўзбекистонда камбағаллик муаммоси очиқ тан олинди ва уни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди», деди у.

Ушбу жараёнда касаба уюшмалари фаоллари ҳам кенг иштирок этмоқда. Шу нуқтаи назардан Хитой тажрибаси аҳолини қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш, даромад манбаларини кенгайтириш борасида самара берган ёндашувларни таҳлил қилиш имконини беради.

Мулоқот давомида Бутунхитой касаба уюшмалари Федерацияси Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари билан ҳам ҳамкорликни ривожлантириш истагини билдирди. Бу ёндашув минтақада меҳнат муносабатлари, ижтимоий ҳимоя ва касаба уюшмалари фаолияти бўйича тажриба алмашиш учун янги имкониятлар эшигини очиши мумкин.

Қудратилла Рафиқов Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган «Бир макон – бир йўл» ташаббусининг мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, транспорт ва гуманитар алоқаларни кенгайтиришдаги аҳамиятига ҳам тўхталди. Зеро, йирик инфратузилма ва инвестиция лойиҳалари кўпайиши баробарида уларда иштирок этаётган меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи ҳам тобора муҳимроқ аҳамият касб этиб боради.

Учрашув якунида Қудратилла Рафиқов Ван Дунминни Ўзбекистонга таклиф қилди.

Пекиндаги учрашув билан мулоқотнинг яна бир муҳим саҳифаси очилди. Олдинда эса билдирилган таклифларни ҳаётга татбиқ этиш, ўзаро тажрибани бойитиш ва меҳнаткашлар манфаати йўлида биргаликда ишлаш вазифаси турибди. Чунки оддий одамлар ўз меҳнати қадрланаётганини ҳис этса, унинг ҳуқуқи ва манфаати ишончли ҳимоя қилинса, ҳамкорликнинг самараси ҳам ҳаётда ўз аксини топади.

Ўз мухбиримиз

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

Андижон вилояти: ТАРАҚҚИЁТ ВА ОБОДЛИК МАНЗИЛЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 23 сентябрь куни Андижон вилоятига ташриф буюрди. Сафарнинг биринчи кунида давлатимиз раҳбари ҳудуддаги саноат, инвестиция, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва туризм соҳаларидаги лойиҳалар билан танишди, маҳаллаларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Шунингдек, ташриф давомида қатор янги қувватлар ишга туширилди ҳамда истиқболли лойиҳалар қурилиши бошлаб берилди.

Ташриф тафсилотлари қисқа сатрларда

Президент Шавкат Мирзиёевнинг вилоятга ташрифи Андижон халқаро аэропортида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишдан бошланди.

* * *

Шавкат Мирзиёев Андижон туманидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Eco Cotton» корхонаси фаолияти билан танишди.

* * *

Давлатимиз раҳбари Андижон туманида кичик гидроэлектр станциялари учун зарур ускуналар ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳани кўздан кечирди.

* * *

Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифи доирасида янги инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ва уларнинг қурилишига старт бериш маросимида иштирок этди. Президентимиз рамзий тугмани босиб, 98 та янги лойиҳани ишга туширди ва 108 та объект қурилишига старт берди. Шундан сўнг инвесторлар ва ҳудуд фаоллари билан мулоқот бўлиб ўтди.

* * *

Давлатимиз раҳбари Андижон туманидаги «Ипак йўли» саноат зонаси ҳудудида жойлашган техникум фаолияти билан танишди.

* * *

Ташриф давомида Президентимиз Хўжаобод туманидаги технопаркда бўлиб, «ақлли» сув ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш жараёнини кўрди.

* * *

Олтинкўл туманидаги чарм-пойабзал кичик саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишган давлатимиз раҳбари мажмуада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечириб, лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ва экспорт салоҳиятига алоҳида эътибор қаратди.

* * *

Балиқчи туманидаги «LB Sport» корхонаси фаолияти билан танишув чоғида давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш жараёни ва тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

* * *

Шавкат Мирзиёев Балиқчи туманидаги «Chinobod real biznes» корхонасининг балиқ етиштириш лойиҳаси билан танишди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Балиқчи туманидаги Сунъий интеллект марказига ташриф буюриб, ёшлар яратган стартаплар билан яқиндан танишиб, уларнинг билим ва интеллектуал салоҳиятига юқори баҳо берди. Самимий мулоқот давомида йигит-қизлар мамлакатимизда стартап экотизимини янада ривожлантиришга қаратилган янги ташаббус ва таклифларини билдирди.

* * *

Андижон вилоятига ташрифи давомида Балиқчи туманидаги «Сокин савдо сервис» паррандачилик кластери фаолияти билан танишган Президентимизга кластердаги ишлаб чиқариш жараёнлари, тайёр маҳсулотлар ва истиқболда амалга ошириладиган янги лойиҳалар ҳақида ахборот берилди.

* * *

Шавкат Мирзиёев «Агрокластер Олтинкўл» корхонасида Шинжон усули асосида пахта етиштириш жараёнини кўздан кечирди.

* * *

Давлатимиз раҳбари Андижон вилояти Асака тумани «Янги ҳаёт» ҳудудидаги 192 гектар майдонда барпо этилган экотуризм мажмуасига ташриф буюрди.

* * *

Президентимиз Андижон шаҳрининг «Ўрикзор» маҳалласида ташкил этилган гастрономик туризм кўчаси билан танишди.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи тафсилотлари билан батафсил танишиш учун қуйидаги ҳаволага ўтинг:

ТААССУРОТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАҲОБАТИ

Ислом цивилизацияси марказига мамлакатимиздаги музейлардан бири сифатида қарасак, хато бўлади. Ушбу маҳобатли муассасадаги тарихий экспонатлар, қўлёзмалар, санъат асарлари, ҳунармандчилик намуналари билан танишар эканман, хаёлимга келган илк фикр шу бўлди. Чунки у халқимизнинг бой ўтмиши ҳамда бебаҳо қадриятларини мукаммал акс эттирувчи йирик илмий-маърифий мажмуадир.

Дарҳақиқат, марказ бебаҳо фондга эга. Хусусан, биргина Ҳазрати Усмон Мусҳафининг ўзи жаҳондаги барча мусулмонлар ушбу гўшани зиёрат қилиши учун арзирли сабаб бўла олади. Эрамиздан олдинги ва кейинги даврларга оид тарихий ашёлар ҳамда замонавий мультимедиа воситалари ёрдамида турли асрларда ушбу заминда ҳукм сурган Хоразм, Бақтрия, Фарғона, Кушон, Чоч, Сўғдиёна каби империя ва давлатлар ўтмиши ҳам қизиқарли тарзда жонлантирилган. Қолаверса, буюк астроном Мирзо Улуғбек, алгебра ва алгоритмларга асос солган ал-Хоразмий, 600 мингга яқин ҳадисларни тўплашга муваффақ бўлган ал-Бухорий, илмий мероси асрлар давомида аҳамиятини йўқотмаётган Ибн Сино, Беруний каби дунё тан олган алломалар ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Аслида жаҳондаги энг йирик империялардан бирини барпо этган енгилмас Амир Темур, кам сонли қўшин билан ҳинд диёрида улкан салтанат барпо этган Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари ҳукмдорларни, Имом ат-Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Алишер Навоий каби улуғ олиму уламоларни тарбиялаган халқ эътирофларга лойиқдир. Яна аниқки, бу ерга келган ҳар қандай киши кўҳна ва сирли Шарқ жозибасини ҳис этмасдан қолмайди. Чунки мажмуани қуриш жараёнида яратилган равоқлар, суратлар, миниатюралар, безаклар Самарқанд, Бухоро, Ҳирот ва Хоразмнинг қадимий меъморчилик анъаналарига хос услуб, нақш ва рангларни ўзида мужассамлаштирган. Яъни улар бу ердаги ноёб ашёлар билан мутлақ уйғунлик касб этиб, ўтмиш руҳини тўлиқ акс эттиради.



Экспозицияларда давлатчилик, илм-фан, меъморчилик ва маънавий мероснинг яхлит концепция асосида намоён қилиниши ташриф буюрувчиларда Ўзбекистоннинг цивилизацион тараққиётдаги ўрни хусусида чуқур тасаввур уйғотади. Чунончи, бу ерда XXI аср бошигача дунёда энг йирик саналган Қуръони Карим, Бақтрия маданиятига дахлдор гилам, ўрта асрларга доир ҳукмдорлик рамзлари, Қўқон хони Худоёрхоннинг қиличи каби нодир буюмлар бор.

Эътиборлиси, Президентимиз ташаббуси билан дунёнинг турли давлатларидаги аукционларда сотилаётган, давлат музейлари ва шахсий коллекцияларда сақланаётган бир қанча тарихий ашёлар юртимизга қайтарилиб, марказдаги бебаҳо экспонатлар қаторига жойлаштирилган. Бу хайрли жараён изчил давом эттириляпти. Демак, мажмуанинг маънавий имкониятлари ва аҳамияти тизимли равишда юксалиб бораверади.

Музейнинг иккинчи қаватидаги замонавий кутубхонадан китобхонлар, тадқиқотчилар ва талабалар фойдаланишлари мумкин. Бу ерда 2500 дан ошиқ қўлёзма ва литографиялар, 40 мингдан ортиқ босма бадиий ва илмий адабиётлар ҳамда 350 мингдан зиёд электрон китоблар мавжуд. Уларнинг ҳар бири том маънода алоҳида тадқиқот объекти бўлишга арзийди. Марказда илмий изланишлар олиб бориш учун замонавий инфокиосклар, овоз ўтказмайдиган кабиналар бор. Мазкур шароитлар боис тез орада кўплаб оламшумул кашфиётларга гувоҳ бўлсак, ажаб эмас.

Иншоотнинг узунлиги 161, эни 118, гумбазининг баландлиги 65 метрни ташкил қилади. Ичкарига ўрнатилган айланаси 25 метрлик, оғирлиги эса 50 тонна бўлган қандилдаги миллиондан ортиқ билмунчоқ ёруғлик таъсирида сеҳрли жилваланиб, чексиз коинотни акс эттиради.



Нусуратулло ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши раиси, сенатор

Обиданинг ташқи ва ички кўринишидаги уйғунлик, анъанавий шарқона ва замонавий меъморий ечимлар марказга ўзига хос маҳобат бағишлаган. Шу йил 13 апрелда мажмуанинг энг йирик Ислом цивилизацияси музейи сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилгани ҳам иншоотнинг нақадар улуғворлигидан дарак бериб турибди.

Яна бир маълумот: Президентимиз ташаббуси ва ғоялари асосида бунёд этилиб, 2026 йилнинг 17 мартида расман ишга туширилган ушбу мажмуа қисқа вақт ичида ҳамюртларимиз ва ҳар бир чет эллик сайёҳ зиёрат қилиши шарт бўлган асосий масканлардан бирига айланиб улгурди. Бундан кўринадики, музейнинг нафақат илмий-маърифий аҳамияти, балки халқаро сайёҳлик йўналишидаги нуфузи ҳам ортиб бораётир.

Ислом цивилизацияси маркази қалбимда унутилмас таассурот билан бирга, чексиз ғурур туйғусини ҳам уйғотди. Ва мен ушбу муаззам обидани беихтиёр Янги Ўзбекистонда кечаётган буюк маданий ва маърифий эврилишларга қиёсладим.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Хоразм вилоятидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари раислари, аъзолари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар иштирокида ўқув-семинар ўтказди.

ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ
фаолиятда ўзаро уйғунми?

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Ҳусан Мирсаидов, меҳнат ҳуқуқ бош инспектори Абдуворид Аҳмедов, меҳнат техник бош инспектори Равшан Норалиев меҳнат муносабатлари ва касаба уюшмалари фаолиятига оид долзарб масалалар бўйича батафсил маълумот беришди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори талабларини амалиётга татбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу аснода ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, уларга иш жойларида хавфсиз меҳнат шароити яратиш, касаба уюшмаси ташкилотларида мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, жамоатчилик назорати ўтказиш юзасидан ҳам амалий тавсиялар бildирилди.



Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

КЎРИК-ТАНЛОВ

«Ангрен ИЭС» акциядорлик жамиятида 3 йилдан буён электрпайвандловчи бўлиб ишлайман. Қўшиқ айтишга қизиққаним учун гоҳ дўстлар даврасида, гоҳ уйда куйлаб юрардим. Лекин қачондир катта саҳнага чиқаман деб ўйламагандим. Касаба уюшмалари ташкил этган кўрик-танлов менга истеъдодимни намоён этиш учун имконият яратди».

МАҲОРАТ ВА САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ



Бу дил сўзлари «Янги Ўзбекистон овозлари» кўрик-танловининг биринчи ўрин соҳиби, 29 ёшли Достон Раҳматуллаевга тегишли. У ўз меҳнат жамоасида фаол бўлиш билан бирга, кўрик-танловда ҳам истеъдодини намоён эта олган ҳаваскор хонанда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши ҳамда вилоят Маданият бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган танлов Достон каби кўплаб янги истеъдодларни кашф этди. Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» маданият саройида бўлиб ўтган ушбу тадбирда вилоятдаги турли корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 60 нафарга яқин касаба уюшмаси аъзолари ўзаро беллашди. Улар учта ёш тоифаси бўйича «Анъанавий хонандалик», «Эстрада хонандалиги» ва «Рақс ижрочилиги» йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Саҳнада миллий қўшиқлар ва замонавий эстрада намуналари янгради, миллий ва замонавий рақслар ижро этилди.

– Бу танловни ўтказишдан мақсад – касаба уюшмалари аъзолари орасидаги истеъдодли инсонларни аниқлаш ва уларга ўз қобилиятини намоён этишлари учун имконият яратиш, шунингдек, меҳнат жамоаларида маданий-маърифий муҳитни янада ривожлантириш, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши раиси Сайёра Файзиева. – Ишонамизки, бу танлов касаба уюшмалари аъзоларининг ижодий салоҳиятини намоён этиш билан бирга, уларнинг маданий ҳаётдаги фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Якуний натижаларга кўра, ҳар бир йўналиш ва ёш тоифаси бўйича 27 нафар иштирокчи 1-, 2- ва 3-ўринларни эгаллади. Шунингдек, «Энг яхши миллий қўшиқ ижрочиси», «Ватанпарварлик руҳидаги энг яхши ижро», «Миллий меросга садоқат», «Энг яхши саҳна маданияти» каби 9 та номинация бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Барча иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.



Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

ЭЪТИРОФ

«ЭНГ ЯХШИ» БЎЛИШ КИМЛАРГА НАСИБ ЭТДИ?

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда экологик фаол жамоаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган икки муҳим республика кўрик-танлови ғолиблари аниқланди.



Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан ўтказилган танловда 100 дан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари қатнашди. Улар тўртта номинация бўйича баҳоланди.

«Энг яхши корхона» номинациясида Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси биринчи ўринни эгаллади. Бухоро давлат техника университети иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси насос станциялари ва энергетика бошқармаси учинчи ўринга муносиб топилди. «Энг яхши касаба уюшмаси қўмитаси» номинациясида Тошкент давлат аграр университети биринчи ўринни қўлга киритди. Сирдарё вилояти Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси иккинчи, «Навоийдонмаҳсулотлари» МЧЖ учинчи ўринни эгаллади.

«Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил» номинациясида эса Тошкент шаҳар «Агробанк» АТБ вакили биринчи, «Фарғона глобал текстиль» МЧЖ филиали текстиль комплекси вакили иккинчи, «Китоб темир-бетон буюмлари» МЧЖ вакили учинчи ўрин соҳиби бўлди.

«Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши ёш мутахассис» номинациясида Сирдарё вилояти «Индорама-Агро» МЧЖ етакчи мутахассиси Азизжон Ҳусанов биринчи ўринни эгаллади. Тошкент вилояти Бекобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси муҳандиси Малоҳат Дилмуродова иккинчи, Наманган вилояти Шимолий Фарғона магистрал бошқармаси меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси Дилёр Юнусов учинчи ўринга муносиб кўрилди.

«Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси» йўналишидаги иккинчи кўрик-танловда корхона ва касаба уюшмаси қўмиталари томонидан атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, жамоаларда экологик маданиятни юксалтириш ва «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини кенг татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар баҳоланди.

Республика босқичи якунига кўра, Бойсун давлат ўрмон хўжалиги бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси «Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси» республика танловида биринчи ўринни эгаллади. Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси иккинчи, Асака туманидаги 1-сонли техникум бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Танловларнинг аҳамияти меҳнат муҳофазаси ёки экология соҳасидаги рақобат билан чекланмайди. Улар касаба уюшмалари фаолиятида ходимлар хавфсизлиги, ишлаб чиқариш маданияти, экологик масъулият ва жамоатчилик назорати ўзаро боғлиқ эканини кўрсатади.



Аҳмад АБДУЛЛАЕВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси

СПОРТ

МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИ МАЙДОНДА



Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши VII тармоқ спартакиадаси ўтказди. Мусобақанинг яккалик баҳсларида 58 нафар ходим, жамоавий беллашувларда эса 10 та ҳудуд жамоалари, жами 200 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, дартс, сузиш, мини-футбол ва арқон тортиш каби турларида куч синашдилар.

– 420 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини ўзида бирлаштирган кенгашимиз 126 мингдан зиёд аъзога эга, – дейди кенгаш раиси ўринбосари Шоикром Исроилов. – Ушбу мусобақа ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, жамоаларда дўстлик муҳитини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилди.

Спартакиада қизғин ва муросасиз кечди. Ҳар бир спорт тури бўйича ғолиблар аниқланди. Шунингдек, жамоавий йўналишда ҳам рақобат юқори бўлди. Хусусан, мини-футбол мусобақасида Тошкент вилояти вакиллари юқори натижа қайд этган бўлса, Андижон ва Хоразм вилоятлари жамоалари кейинги ўринларни эгаллашди. Арқон тортиш баҳсларида Жиззах жамоаси биринчи, Самарқанд иккинчи, Хоразм жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорлар кенгашнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.




Бахшан САФОЛОВА,
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг бош мутахассиси

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



ОЛИС ОБЪЕКТГА ИШГА БОРУВЧИЛАРГА УСТАМАЛАР ҚАНДАЙ ТЎЛАНАДИ?



ИШ ЖОЙИДАГИ ЗЎРАВОНЛИК БЎЙИЧА ОНЛАЙН ПОРТАЛ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

«ISHONCH»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

2026 йил 16 июнь куни «Ishonch» газетасининг 70-сонида чоп этилган «Саҳнадаги саводсизлик» сарлавҳали мақолага Маданият вазирлиги қуйидагича муносабат билдирди:

Маданият вазирлигига!

САҲНАДАГИ САВОДСИЗЛИК

наҳотки, ЧЎЛПОНни унутиш, АВЛОНИЙни адаштириш мумкин бўлса?!

Ғаи шундаки, саҳна тўғридаги ушбу ва шу каби мониторда Ўзбек шеърияти-нинг улуғ вакили, миллат хуржуни учун жон берган шоир бобомиз **Абдулҳамид Сулаймон Ўғли Чўлпон**нинг сурати пайдо бўлади. Бу – карсак чалиб, олқишлашга арзийдиган холат. Аммо сурат остига **Абдулла Чўлпон** деб ёзилган...

Ҳа, адашмадингиз! Сизу биз йиллар давомида мактаб дарсликлари ва китобларда ўқиб, Абдулҳамид деб таниган, ардоқлаган улуг шоиримиз Маданият вазирлигининг енг шимариб қилган «ҳисоботи»да бир лаҳзада «Абдуллаев» айланиб қолди.

Ким билсин, эҳтимол, маъмурият ва маданият тарғиботчилари бўлмиш мутасаддилар «Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Ориповлар китобида Чўлпон ҳам «Абдулла» бўлса, нолиб аносиблик чиройлироқ чиқади», деб ўйлашгандир? Ёки бўлмаса, ихлосманд «ҳамид» ҳисми концертимиз умумий бюджети каби «оптималлаштириш»га учрагандир?

Йўқ, улар бундай ўйлашмаган. Агар шундай бўлганида, кон босимигини оширадиган низомчи хатоси, аниқроғи, саводсизлиги йўл қўйилмасди. Ёхуд мазкурфатлардир бобомиз **Абдулла Авлоний** китта мониторда «**Абдулҳамид Авлоний**» бўлиб чиқмасди.

Нима бўлгандаям, Интернет ахли ва ижтимоий тармоқлар фаоллари ҳам ажнеби, ҳам кулгили бу ҳолатни ҳақли равишда ижсиз танқид қилишмоқда. Жамоатчиликнинг умумий фикри қуйидагича: «Агар намоқлатининг Маданият вазирлиги ўз миллатининг энг буюк сиймоларини танимаса, исмларини тўғри ёзолмаса, оддий халқдан, ёшлардан нимани кутиш мумкин?».

Шахсан мен учун бу саводсизлик «техник хатто» деб баҳолаяпман, битта ўқ сўзни билан шунчаки унутиладиган мавзу эмас. Чунки бундай дабдабали тадбирлар учун давлат бюджетидан миллионлаб маблағлар сарфланади, ҳафталаб репетициялар қилинади, сценарийлар бир неча босқичли чигирикларни ўтказилади. Саҳна ортида (бир неча кун) ўнлаб режиссёрлар, мухлирлар, бадиий раҳбарлар ва вазирлик масъуллари ҳамма жараённи назорат қилиб, бўлажак концертга тайёргарлик кўришади. Нахотки, уларнинг ҳеч бири катта экранда «қирқраб» турган саводсизликни пайқамаган бўлса?! Шунисн алам қиладиги...

Бир вақтлар нўно мафкураси Чўлпонни қатлон қилиб, асарларини ёқиб, исмини тарихдан ўчиришга уринган эди. Бугун эса, мустақил юртда, ўз ватанида унинг исмини «нуқул маданиятчилар» ўзгартириб- ўтиришибди. Бу бепарволик ва локайдлик никобидаги «қатлгон» эмасми?

Жадидлар, хусусан, Абдулқодир Чўлпон миллатини маърифатли қилиш учун жонини фидо қилган, Абдулла Авлоний бежиз бергани йўқ. Қаранглар, биз уларнинг исм-шарифларини тўғри ёзишни эплолмайдиган даражада «саводли» бўлибмиз...

Агар миллат тарбиячи ва маданиятига масъул бўлган вазирликнинг ҳисобот-дастури шундай бўлса, қолган ишлари, ҳисоботлари қай даражада экан-а!

Умид қиламизки, Маданият вазирлиги бундан кейин бундай «топилма»ларга йўл қўймайди. Яна кайдан, ким билсин...

Бугун вазирликнинг «маданий» савияснини кўриб, кўлар кўринмоқда. Ўзбек маъваният-ларидан ўрганадиган нималар борлигини...

Хулоса ўрнида: *оилавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда энг кўп ёритиладиган мавзу – саводсизлик! Йиллар давомида қатор-қатор мисоллар билан бепарволик ва локайдлик натижасида сарфланган маблағлар ҳисобига рекламалар ва телеканаллар орқали саводсизлик ҳақида сюжетлар тайёрланди. Бу ҳолатлар ҳақида «Ишонч» газетаси ҳам ёзди. Барчаси ҳаммага маълум. Аммо ҳеч ким ҳеч нарсага эътибор қаратмади. Ҳатто «Абдулла Қаҳҳор» шарпатидек, «Абдулҳамид Авлоний» асарларидан бахраманд бўлишни тилаб қолмади!*

Алишер АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Таҳририятдан: *бутун бир миллатнинг саводи ва савияснси сон солдатдан бундай «ботирлар»га эътибор қилмаслик керак. Зотан, давлатимиз раҳбари томонидан соҳага кўрсатилаётган алоҳида эътибор ҳамда яратиб берилаётган имкониятлар, шитирлар ҳақида сюжетлар кўпдан кўпдан. Аммо халқ тилида бекор айтилмаган, дея қолар экан, бундайда...*

Вазирлик «ишга тушиди». Энди жумлага ва ҳолга баҳоталарда ноқ янглиш ишлар. Бугун кенг жамоатчилик вакилларини ташвишга солаётган, балки ачитаётган, кўнглини ғаш қилаётган масалаларга бирма-бир тўхталиб ўтамиз. Вазирлик бу тизимли муаммога нисбатан ўз позициясини нетмоқда, қитиқ нималиги этадиган бунга вақт кўрсатади. Кутамиз...

КУЗАТУВ

БОҚСАНГ БОҒ, БОҚМАСАНГ ДОҒ

«Ёшлар» боғи, «Оналар» боғи, «Журналистлар» боғи, «Ўқитувчилар» боғи, «Маърифат» боғи, «Дўстлик» боғи, «Ватанпарварлар» боғи, «Божхоначилар» боғи... ва ҳ.к. Бу рўйхатни яна бошқа ўнлаб номлар билан давом эттириш мумкин.

Албатта, боғлар барпо этиш яхши ва эзгу иш. Улар нафақат яшил ҳудуд, балки қулай экологик муҳитни шакллантирувчи, аҳоли дам оладиган маскан ва яшаш жойимизнинг обод қиёфасини белгилайдиган муҳим гўшалардир. Шунинг учун яшил майдонлар қанча кўп бўлса, инсон учун атроф-муҳит ҳам шунча қулай ва мусаффо бўлади.

Худди шундай хайрли мақсадларда 2021 йил ноябрь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан умуммиллий «Яшил макон» лойиҳасига старт берилди. Бугунги кунда шу асосда мамлакатимизда кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, мамлакатимизда 2 минг гектардан зиёд майдонда 942 та яшил боғ ва жамоат парклари, 47 та массивда «Янги Ўзбекистон» боғи барпо этилди. Республиканинг тоғ, чўл ва адир ҳудудларида 256 минг гектар ўрмон ташкил қилинди. Оролнинг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда яшил қопламали ҳимоя ўрмонзорлари яратилди. Шамол ва қум-чанг бўронларининг зарарли таъсири олдини олиш мақсадида 33 та туманда 60 километрли «яшил белбоғ» ҳосил қилинди.

Шу билан бирга, ҳар йили баҳор ва куз мавсумида 200 миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилади. Натижада мамлакатимизда яшил ҳудудлар кенгайиб, дарахтзорлар, боғлар, жамоат парклари кўпайиб бормоқда.



Албатта, ёшлар, оналар, нуронийлар ва турли соҳа вакиллари номи билан боғлар ташкил этиш масъулларда мазкур ҳудудларни обод сақлаш, кўчатларни парваришлаш ҳамда тоза муҳитни таъминлаш борасидаги масъулият ҳиссини янада ошириши мумкин. Бироқ, афсуски, бундай ташаббус ва тадбирлардан ҳар доим ҳам кутилган натижа чиқавермайди. Яъни экилган кўчатларнинг кейинги тақдири билан ҳеч кимнинг иши бўлмаяпти, ҳисоб. «Боғни парваришлашга ким масъул?» деган энг муҳим саволнинг жавоби ҳамон номаълумлигича қоляпти.

НА НОМ БОР, НА КЎЧАТ...

2023 йил 25 март куни Жиззах вилояти Фориш тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати ўзининг телеграм саҳифасида бир нечта сурат билан бирга, «Ёшлар» боғи барпо этилади» сарлавҳаси остида хабар эълон қилган. Унда шундай деб ёзилган: «Фориш тумани 4-сектор ҳудудидаги «Қизилқум» маҳалласида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида «Ёшлар» боғи барпо этиш белгиланган. Туманда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида барча маҳаллаларда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, яшил ҳудудлар кенгайтирилмоқда. Фориш тумани Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан «Қизилқум» маҳалласида барпо этилаётган боғда ҳашар ўтказилди. Ҳашар давомида боғда ёшлар кучи билан 200 тупдан зиёд турли мевали дарахт кўчатлари экилди».

Бу хабар кейинчалик туманнинг «Фориш тонги» газетаси, ҳатто Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтида ҳам (2023 йил 27 март) эълон қилинди.

Шубҳасиз, буларнинг барчаси қувонарли. Чунки уларда сўз аҳоли учун обод маскан, «Яшил макон» лойиҳасининг амалий намунасига айланиши керак бўлган боғ ҳақида кетарди. Маълумотларга таянадиган бўлсак, бу ерга 200 тупдан зиёд кўчат ҳам экилган. Демак, қилинган меҳнат самараси шунча йилдан сўнг кўзга ташланиши керак эди.

Аммо бугун у ерга борсангиз, манзара бутунлай бошқача. На «Ёшлар» боғи деган ном бор, на кўкарган ниҳоллар. Бутун ҳудудни хас-хашак, қийиқўт, янтоқ ва исириқ қоплаган. Бир неча туп тут бир томчи ёмғир умидида шохларини осмонга чўзиб турибди. Деворлар вайрон бўлган. Бу ҳам етмагандек, боғ маҳаллий аҳолининг чорва моллари учун яйловга айланган...

«ДЎСТЛИК» БОҒИНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

Ўтган йилнинг 31 март куни Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, «Оқсой» маҳалласида «Дўстлик ва ҳамжиҳатлик улуғланган юрт» шиори остида ўтказилган тадбирлар доирасида қишлоқ ҳудудида боғ ташкил этилди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Нуроний жамғармасининг вилоят кенгаши, вилоят Маҳаллалар уюшмаси, туман ҳокимлиги, нуронийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Шу куни қарийб 500 туп мевали ва манзарали дарахт кўчати экилди. Анъанага биноан суратларга тушилди. Бу ҳақда вилоят ва туман ҳокимликлари ахборот хизматлари, «Овози Самарқанд», «Зарафшон» ҳамда «Нуробод» газеталари хабар ва суратлар эълон қилди.



Хўш, бугун «Дўстлик» боғининг аҳволи қандай, деб ўйлайсиз?

– 2025 йили ёғингарчилик кам бўлди ва сув танқислиги туфайли кўчатларнинг 90 фоизи қуриб қолди, – дейди «Оқсой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Айёмиддин Бобосаидов. – Биз ҳолатни инобатга олиб, жорий йил баҳор фаслида туман ҳокимлиги, Мактабгача ва мактаб таълими бўлими, тадбиркорлар, шунингдек, маҳаллий аҳоли кўмагида боққа қайтадан кўчат ўтқаздик. Боғ атрофини ўраб, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйдик. Уларни парвариш қилишни шу ҳудуддаги 13-умумтаълим мактаби боғбонига юкладик. Айни пайтда қуриб қолганлари ўрнига янгиларини экиш тараддудини кўряпмиз. Шунингдек, дарахтлар орасида сабзавот ва кўкатлар етиштиришни ҳам режалаштиряпмиз.

Икки мисол асосида кўз ўнгимизда икки ҳолат, икки манзара ва бутунлай икки хил натижа намоён бўлди: биринчи ҳолатда масъулларнинг бепарволиги оқибатида маҳалланинг яшил ва обод гўшаси бўлиши керак бўлган боғ яйловга айланди; иккинчи ҳолатда эса қуриб қолган боғ қайтадан кўкаламзорлаштирилди ва умид қиламизки, бу сафар кўчатларни парваришлаш ва асраш ишлари изчил давом эттирилади.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Унутмаслик керакки, умуммиллий «Яшил макон» лойиҳасининг натижадорлиги ва самарадорлиги экилган кўчатлар сони ёки боғлар кўплиги билан эмас, балки уларнинг яшаб қолиши, униб-ўсиши ҳамда экология ва иқлимга таъсири билан белгиланади. Бугун экkан кўчатимиз бир йилдан сўнг сувсизлик, эътиборсизлик, бепарволик ёки нотўғри парвариш туфайли қуриб қолса, бу ташаббусдан қандай натижа бор? Ахир, «Кўчат экилди» деган жумлага тиркалган расмий ҳисоботдан кимга нима наф?

Агар бирор соҳа, ташкилот ёки муассаса номи билан боғ барпо этилиб, кейинчалик уни парваришлаш ва асраш масъулиятини зиммасига оладиган киши топилмаса, унинг чиройли номи муаммони ҳал қила олмайди. Шунчаки меҳнат, маблағ ва саъй-ҳаракат зое кетгани қолади, холос.

Ҳадемай, кузги кўчат экиш мавсуми бошланади. Шу боис бу борада сусткашликка йўл қўймаслигимиз, номигагина, ҳисобот учун дарахт экиш анъанасидан воз кечиб, ҳар бир кўчатга эътиборли бўлишимиз зарур. Энг аввало, суғориш ва парваришлаш масаласига жиддий эътибор қаратиб, кўчатларни асраб-авайлаш устидан доимий назоратни йўлга қўйишимиз, масъулиятни оширишимиз жоиз. Зеро, Президентимиз таъкидланганидек, «Яшил макон» топшириқ эмас, буйруқ эмас, у виждонимиз, бўлажак ҳаётимиз, келажак фарзандларимиз олдидаги масъулиятимиздир.



Фаридун ЙЎЛДОШЕВ,
журналист

МУАММО ВА ЕЧИМ

ҲЕЧ ҚАЧОН ЁПИЛМАЙДИГАН ЭШИК

ёки трикотаж корхоналарида кадрлар қўнимсизлигига қандай барҳам бериш мумкин?

Андижонлик Муҳаммадсаид Сайфутдинов Туркиянинг Истанбул шаҳридаги текстиль маҳсулотлари дўконида саккиз йил ишлади. Таклиф этаётган моллари-нинг ранг-баранглигини таъминлаш учун қатор давлатларга бориб, ишлаб чиқарувчилар билан яқин ҳамкорлик қилди. Бу амалий тажрибалар ҳамда савдо-харид жараёнлари натижасида у, гарчи дипломи бўлмаса-да, енгил саноат соҳасида малакали мутахассисга айланди. Қайси маҳсулотнинг бозори чаққону, қай бирини харидор суймаслиги унга беш қўлдай аён. Шу боис юртга қайтиб, ўзи ҳам ишлаб чиқарувчи сифатида тадбиркорликка бел боғлади.

– Соҳада тажрибаси бор саккиз нафар тикувчи билан фаолиятни бошлаб, икки ой ички бозор учун ишладик, – дейди у. – Кейин маҳсулотларимизни Туркиядаги собиқ ҳамкасбларга ҳам тақдим этдик. Хорижлик ҳамкорларга маъқул бўлди ва 30 минг дона товарни 40 кунда юборишга келишдик. Буюртмани вақтида бажариш учун иш меъёрини тақсимладик. Аммо режалаштирилган кунлик нормани сира бажариб бўлмаяпти. Бугун бир ходим муайян сабаб билан келмаса, эртага бошқаси «турмуш ўртоғим ёки қайнонам ишлашга рухсат бермаяпти» дея хайр-маъзурни насия қилиб кетиб қолади. Ҳолбуки, ойлик маош атрофдаги корхоналарникидан кам эмас. Ҳар ким меҳнатига яраша – бировига 4 миллион, кимгадир 5 миллион сўм тўланяпти. Кўплаб МЧЖларнинг дарвозаси олдида «Тикувчиларни ишга оламиз» деган эълон йил – ўн икки ой туришининг сабабини энди тушундим. Бу соҳада ишчилар қўнимсизлиги энг катта муаммо экан.

Муҳаммадсаид дуч келаётган ҳолат икки йил аввал вилоят миқёсидаги бир ташкилот раҳбари билан бўлган мулоқотни ёдга солди. 2024 йили аҳолини камбағалликдан чиқариш саъй-ҳаракатлари доирасида Андижонда ҳокимлик ташаббуси билан ҳар бир вилоят ташкилотига бештадан эҳтиёжманд оила бириктирилади. Суҳбатдошим Бўстон туманига масъул бўлади. У оталиққа олган хонадонлардан бирида эркак мавсумий ишлар билан шуғулланар, аёли эса ишсиз экан. Вазиятни яхшилаш тадбирлари доирасида яқин атрофдаги текстиль корхонаси раҳбари оила бекасини жамоаси сафига олади: у ҳам ҳунар ўрганади, ҳам дурустгина маошга эга бўлади. Бироқ бир ярим ойча муддат ўтгач, у турмуш ўртоғининг ихтиёрига кўра ишдан бўшайди. Суриштирилса, оилага иш ҳақининг бир ойда икки бўлиб берилиши ёқмаган, шунинг учун сабзи ҳосилини йиғиштириш мавсумида маҳалласидаги фермер хўжалиги далаларида ишлашни маъқул кўришган. Айтилишича, бу юмуш учун кунлик ҳақ тўланар экан.

Айни мавзудаги кўп йиллик кузатувлардан хулоса шуки, трикотаж цехларида ишлаётган хотин-қизларнинг 15-20 фоизи ёз-куз ойларида – шоли кўчат усулида экиладиган кунларда, пахта теримида, катта майдонларда картошка ё сабзи йиғиштириладиган паллаларда тикувчиликни йиғиштириб, ана шундай юмушларга ўзларини уриши бор гап. Бунинг сабаблари асосан кундалик вазифа ортидан мўмайроқ даромад топиш билан изоҳланади. Айни пайтда енгил саноатда иш бошлаганига кўп бўлмаган ўртача ҳар беш аёлнинг бири иш вақтининг кеч тугаши, турмуш ўртоғи ёки қайнонасининг раъйи сабаб ишдан кетади. Бу сафга турмушга чиққан келинчакларни ҳам қўшиш мумкин.

Кадр қўнимсизлиги масаласида танганинг иккинчи томонини ҳам, албатта, ҳисобга олиш керак. Бу – масъулияти чекланган жамиятлар таъсисчиларининг меҳнат қонунчилиги талабларига зид тутуми билан боғлиқ. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Ҳабибулло Усмоновнинг таъкидлашича, ходимлардан шикоят келиб тушмаса, бу соҳани назорат қилувчи давлат органлари корхоналарга тўғридан-тўғри кириб меҳнат муносабатларини тартибга солишга аралашолмайди.

– Аввало, иш ҳақи кўп ҳолларда норасмий – «конверт» усулида берилади, – дейди у. – Расмийлаштирилган тақдирда ҳам ҳужжатларда маошнинг бор-йўғи тўртдан бир қисми ёки ярми акс этади, холос. Бу ҳолат куни келиб ходимнинг пенсияси миқдорига салбий таъсир қилади. Қолаверса, аксарият трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи МЧЖларда иш вақти ҳафтасига 40 соатдан ошмаслиги хусусидаги қонунчилик талабларига ҳам риоя этилмайди.

Мавзуни ўрганиш доирасида Андижон шаҳрида ижтимоий тармоқда шу кунларда берилган ишга чорлов мазмунидаги ўндан ортиқ эълонлар билан танишилди. Уларнинг асосий қисмида иш вақти соат 7.30 дан 17.00 гача ёки 8.00 дан 18.00 гача, дам олиш куни эса фақат якшанба белгиланган. Шунинг ўзи ҳам ҳуқуқшунос келтираётган фикрнинг исботи: ишлаб чиқариш цехларида ҳафталик иш вақти ўртача 51-54 соатни ташкил этмоқда.

Юзлаб ходимлар меҳнат қиладиган йирик трикотаж корхонасида 11 йилдан бери мунтазам ишлаб келаётган Санобарнинг қайд этишича, ўтган муддат оралиғида бирор марта меҳнат таътилига чиқолмаган. Фақатгина оилавий тўй-маърака пайтларида икки-уч кунга рухсат берилади.

«Тадбиркор учун кундалик нормани бажартириш энг асосий масала, – дейди у. – Тўғри, транспорт ва тушлик – иш берувчи ҳисобидан. Корхонада шароит яхши. Бетиним ишлаганимиз учун кўлимизга 5 миллион сўм атрофида маош тегади. Иш берувчи билан муносабатларимиз совуқлашмасин, деб меҳнат ҳуқуқларимизнинг қолган қисмини талаб қилолмаймиз. Бундай узлуксиз ишлаш айрим хотин-қизларга қийинчилик туғдиради: аёлларнинг уйдаги юмушлари ҳам бор-ку. Шу сабаб бизнинг корхонада ҳам қўнимсизлик ҳолати кузатилиб туради».

Бугун аёллар бандлигини акс эттирувчи рақамларга қарасангиз, МФЙ идораларидаги маълумотлар статистика бўлимларининкидан, маҳаллий ҳокимликлар маърузаларида қайд этилаётган рақамлар кўпинча ишсизларнинг аниқ сонидан фарқ қилади. Таъбир жоиз бўлса, мавжуд статистика усталар девор юзасини ўлчашда ишлатадиган асбоб – «шайтон»нинг ичидаги сув пуфакчасига ўхшаб бетиним ўйнаб туради. Бунинг энг асосий омили ҳам, бизнингча, трикотаж корхоналаридаги юқоридаги вазият билан боғлиқ.

Баён этилганлардан хулоса қилинса, хусусий секторда яратилаётган иш ўринларининг сифати, меҳнат қонунчилигига нечоғли монандлиги масаласини мамлакат миқёсида жиддий кўриб чиқиш фурсати етиб келган. Гарчи бугун тадбиркорларга ҳар жабҳада «яшил чироқ» ёқиб қўйилган бўлмасин, тарозининг иккинчи палласида аёлларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқ ва имтиёзлари турибди.

Мавзуни ўрганиш доирасида Андижон шаҳрида ижтимоий тармоқда шу кунларда берилган ишга чорлов мазмунидаги ўндан ортиқ эълонлар билан танишилди. Уларнинг асосий қисмида иш вақти соат 7.30 дан 17.00 гача ёки 8.00 дан 18.00 гача, дам олиш куни эса фақат якшанба белгиланган. Шунинг ўзи ҳам ҳуқуқшунос келтираётган фикрнинг исботи: ишлаб чиқариш цехларида ҳафталик иш вақти ўртача 51-54 соатни ташкил этмоқда.



Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»

МУНОСАБАТГА МУНОСАБАТ

ҲАР ҚАНДАЙ СОҲАГА ЙЎЛЛАСА БЎЛАДИГАН ЖАВОБ

Азиз муштарийлар! «Ishonch» газетасининг 2026 йил 16 июнь кунги сонида чоп этилган «Саҳнадаги саводсизлик» сарлавҳали мақолани қуйидаги QR код орқали ўқинг:

Мана, орадан салкам уч ой ўтиб, Маданият вазирлигидан расмий жавоб хати олдик.

Аввало, **«тезкорлик»** учун мутасаддиларга «ташаккур» айтгимиз келди. Жавоб хатини ўқиб, шуни англаш мумкинки, вазирлик масъуллари таҳририятга (салкам 90 кун кечиккан) муносабатни тайёрлашда ҳар бир сўз ва ҳар бир жумлага ниҳоятда синчковлик билан эътибор беришган. Жавоб хати шу қадар «умумий ва гўзал» жумлалар билан бойитилганки, уларни исталган бошқа соҳага ҳам йўлласа бўлаверади.

Вазирлик хатида *«масъуллар иштирокида таҳлил ўтказилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди», «давлат тили меъёрларига... риоя этилишини таъминлаш бўйича ишлар янада кучайтирилади»* каби стандарт, қолипли (шаблон) ва баландпарвоз гаплардан бошқа аниқлик йўқ.

Хуллас, вазирликнинг мавҳум ва умумий жавобидан сўнг бир қатор саволлар туғилди:

1. Агар таҳлиллар ўтказилган бўлса, унда натижалар қани, аниқланган айбдорлар ким?

2. Келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун «белгиланган тегишли чора-тадбирлар» айнан нималардан иборат?

3. Соҳада «янада кучайтириладиган» ишлар қачон ва қай шаклда амалга оширилади?

Таҳририятимиз жамоатчилик эътиборидаги бу каби долзарб мавзуларни фақат «раҳматнома» ёки умумий гаплар билан ёпиб қўйиш тарафдори эмас.

Умид қиламизки, бу сафар умумий жавобга таҳририят билдирган мулоҳазали муносабатга аниқ жавобни узоқ кутмаймиз.

Таҳририят

ТЕГИШЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Мазкур мақолада кўтарилган масала жамоатчилик эътиборига тушган долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Хусусан, «Халқлар дўстлиги» санъат саройида ўтказилган ҳисобот концерти давомида кузатилган айрим ҳолатлар бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар ва танқидий қарашлар эътибор билан ўрганиб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, концерт дастурини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида асосий эътибор ижодий ғоя, саҳна маданияти ҳамда томошабинларга юқори савиядаги маданий хизмат кўрсатишга қаратилган. Шу билан бирга, мақолада қайд этилган айрим камчиликлар ва эътирозларга сабаб бўлган ҳолатлар юзасидан масъуллар иштирокида таҳлил ўтказилиб, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Маданият муассасалари фаолиятида давлат тили меъёрларига, саҳна нутқи маданиятига ҳамда умум эътироф этилган касбий талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш бўйича ишлар янада кучайтирилади.

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳаза ҳамда таклифлар соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда, мазкур масалага билдирилган муносабат ва таклифлар учун миннатдорлик билдирамиз.

Маданият вазири ўринбосари С.БОБОЖОНОВ

***

«Ishonch»нинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида:



ТОШКЕНТДА ФАНДОМАТ «Яшил ҳамён»ни қандай тўлдириш мумкин?



КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД 48 СОАТДАН ОРТИҚ МАЪМУРИЙ УШЛАБ ТУРИШГА ОИД НОРМАНИ КОНСТИТУЦИЯГА ЗИД ДЕБ ТОПДИ

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги ҳамда Журналистлар уюшмасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида «Ижтимоий онг шаклланишида ОАВ ўрни» мавзусида Фарғона III халқаро конференция ва «Ўзбекистоннинг энг қулай инвестицион маркази» номли медиатур ташкил этилди.

ТАЖРИБА ВА ФИКР ПЛАТФОРМАСИ

Ушбу нуфузли анжуманда Япония, Хитой, Туркия, Россия, Ҳиндистон каби 12 та давлатдан ОАВ раҳбарлари ва журналистлар иштирок этишди.

Мазкур форум нафақат журналистлар тажриба ва фикр алмашадиган, балки турли мамлакатлар медиа ҳамжамиятлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ахборот алмашинувини кенгайтиришга хизмат қиладиган мулоқот майдонига айланди.

Дарҳақиқат, рақамли медиа ва ижтимоий тармоқлар жадал ривожланаётган бугунги даврда ахборот тезлиги билан бирга, унинг холислиги ва ишончлилиги тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса оммавий ахборот воситалари зиммасига катта масъулият юклайди. Халқаро медиа форумида айнан шу масалалар юзасидан фикр ва мулоҳазалар алмашилди.

– Мазкур форум турли давлатлар журналистларига очиқ мулоқот ва яқин ҳамкорлик қилиш имконини берди, – дейди тадбир иштирокчиси, ҳиндистонлик Амио Саатҳе. – Биз ўзбекистонлик ва бошқа давлатлар журналистлари билан суҳбатлашиш баробарида медиа соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича фикр алмашдик, таклифларимизни ўртага ташладик. Албатта, бундай самимий учрашувлар мухбирлар учун ҳам, мамлакатлар ўртасидаги ахборот алмашинувини ривожлантириш учун ҳам бирдек манфаатлидир.

Конференция доирасида иштирокчилар учун махсус медиатур ҳам уюштирилди. Унда меҳмонлар вилоятнинг саноат, инвестиция, экспорт салоҳияти, шунингдек, туризм имкониятлари билан яқиндан танишдилар.

– Юртингиз тўғрисида янада кўпроқ маълумотларга эга бўлдим. Айниқса, вилоятнинг ўзига хос қиёфаси менда катта таассурот қолдирди, – дейди япониялик иштирокчи Нана Кунеде. – Йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан яқиндан танишдик. Айниқса, Бурҳониддин Марғиноний илмий-маърифий марказига борганимиз ва «Атлас» байрамида иштирок этганимиз ҳудуднинг бой миллий-маданий мероси, ҳунармандчилик анъаналари ва халқ ижодини яқиндан ҳис қилиш имконини берди. Ватанимга қайтгач, Ўзбекистондаги улкан ўзгаришлар ҳақида юртдошларимга айтаман, мақолалар ёзаман.



Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

ОФАРИН!

Тан олиш керак, Ҳиндистон ҳозирги кунда шахмат бўйича дунёдаги энг кучли беш жамоадан бири. Шу боис, Самарқандда бўлиб ўтаётган 46-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасининг 6-тури доирасида кечган Ўзбекистон – Ҳиндистон баҳсини бутун дунё ақл гимнастикаси ихлосмандлари катта қизиқиш ва синчковлик билан кузатди. Чунки Ўзбекистон ҳам шахматда зўрларнинг зўри!

ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТДА ҲАМ ЗЎРЛАРНИНГ ЗЎРИ

Икки гигант жамоа ўртасидаги тўқнашув ҳам хавотирли, ҳам ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди.

1-тахтада Нодирбек Абдусатторов – Рамешбабу Прагнанандха, 2-тахтада Жавоҳир Синдаров – Аржун Эригайси ва 4-тахтада Шамсиддин Воҳидов – Гукеш Доммаражу ўртасидаги қизғин беллашувларда дуранг натижа қайд этилди. Умумий ҳисоб: 1,5 – 1,5.

Шундан сўнг ҳиндлар ва уларнинг тарафдорлари байрам қила бошлашди. Чунки ҳали 3-тахтада давом этаётган Нодирбек Якуббоев ва Ниҳал Сарин баҳсида ҳамюртимиз ҳам позиция, ҳам вақт бўйича рақибига сезиларли даражада устунликни бериб, қийин аҳволга тушиб қолганди. Нодирбекда бор-йўғи 3 дақиқа, Ниҳалда эса салкам ярим соат вақт бор эди.

Ушбу ўйинни қўшни тахтада беллашаётган Шамсиддин Воҳидов хавотир, амалдаги жаҳон чемпиони Гукеш Доммаражу эса хотиржамлик билан кузатди. Қизиғи шундаки, улар ўз шахмат тахталарига эътибор бермасдан жамоадошлари тахтасига тез-тез қараб қўйишарди. Чинданам, қизиқ ҳолат-а...

Қўшни тахтада ҳамюртининг яққол устунлигини сезган Гукеш вақтни чўзишдан фойда йўқлигини билиб, Шамсиддин Воҳидовга дуранг таклиф қилди. У ўйлагандики, яқин дақиқаларда сўнгги баҳсдаги ютуқ эвазига Ҳиндистон умумий ҳисобда (2,5 – 1,5) зафар қучади. Лекин бундай бўлмади. Рақиблар бир нарсани, яъни дунёга ҳисоб илмини ўргатган буюк боболарнинг мероси хўрлари ақл гимнастикасида ҳам тенгсиз эканликларини унутишганди чоғи.

Ҳа, миллионлаб мухлислар эътиборида турган 3-тахтадаги беллашув 6-турнинг энг драматик ва ҳал қилувчи баҳсига айланди. Нодирбек Якуббоев сўнгги сонияларда ҳақиқий руҳий устунлик, ирода ва маҳорат намойиш этди. У сўнгги умид ва илинж билан рақибига тактик тузоқ қўйди.

Ушбу ўйинни онлайн кузатиб турган (боягина байрам қиладётган) ҳиндистонлик шахматчилар ва шарҳловчилар «Илтимос, фақат отни юрма...» дея илтижо қила бошлашди. Бироқ орадан 10-15 сония ўтгач, бошларини чангаллаб қолишди...

Тузоққа тушган Ниҳал фарзинни беришга мажбур бўлди. Фарзин устунлигига эришган Нодирбек масалани тезда ҳал қилди-қўйди.

Айнан Нодирбек Якуббоевнинг юксак маҳорати ва матонати эвазига қўлга киритилган ушбу ғалаба Ўзбекистон терма жамоасига амалдаги чемпион Ҳиндистонни 2,5:1,5 ҳисобида мағлуб этиш имконини берди. Бу тарихий муваффақиятдан сўнг Ўзбекистон шахмат Олимпиадасида якка пешқадамга айланди! Офарин!

Очиғини айтганда, аксарият шахматчилар вақт ва руҳий босим остида шошиб қолишади. Аммо қалтис вазиятда ўзбек ўғлони Нодирбек ўта босиқлик ва совуққонлик кўрсатди. У рақибини тактик хатоларга йўл қўйишга мажбур қилди.

Баракалла, Нодирбек!

Олға, Ўзбекистон!



Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Таҳририятдан: газета саҳифаланаётган вақтда яна бир хушхабар келди: кеча бўлиб ўтган 7-тур баҳсларида Ўзбекистон яна бир кучли жамоа, чемпионликка асосий даъвогарлардан бири Хитой терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ғалабалар бардавом бўлсин!

МУЛОҲАЗА

Тўй – халқимизнинг энг қувончли ва файзли маросимларидан бири. Унда икки ёшнинг тақдири бирлашиб, хонадонлар ўртасида меҳр-оқибат ришталари боғланади. Шу боис ундаги ҳар бир удум замирида ҳурмат ва эзгу ният мужассам бўлиши керак.

ПОЙАНДОЗ ТАЛАШИШ ҚАДРИЯТ ЭМАС

Аммо кейинги пайтларда айрим тўйларда кўзга ташланаётган бир манзара киши кўнглини хира қилади. Куёвнавкарларнинг пойандоз талашиши, бир-бирини туртиб-суртиш, ҳатто ерда думалашиб тортишиши одатий ҳолга айланиб бормоқда.

Хўш, бир парча мато учун шунча талатўп шартми, шу қадриятми?

Пойандоз – оёқ остига тўшаладиган мато. Қадимдан халқимиз азиз меҳмонни, келин ёки куёвни ҳурмат билан кутиб олиш мақсадида уларнинг йўлига чиройли мато ёки гилам ёзган. Келин-куёв пойандоздан қадам қўйиб ўтгач, у тўйдан қолган эсдалик сифатида қадрланган. Демак, бу мато парчаси шовқин ва жанжал чиқариш учун эмас, ҳурмат рамзи сифатида хизмат қилган.

Илгари бу удумга муносабат бошқача эди. Бугун эса унинг асл моҳияти унутилиб, фақат номигина қолаётгандек. Яъни куёв келиши билан бир тўда йигитлар матони қўлга киритиш учун бор кучи билан ҳаракат қилишади. Бир қарашда бу шунчаки ўйиндек туюлиши мумкин, аммо ҳар бир нарсада меъёр бўлиши зарур. Айниқса, тўй каби файзли даврада инсон ўзини бошқара билиши керак.

Баъзан «ғолиблик» истаги йигитларнинг кўзини кўр қилиб қўяди. Улар ёнма-ён тортишаётган одам дўсти, ўртоғи ёки ҳамкишлоғи эканини ҳам эсдан чиқаришади. Оқибатда бир парча мато учун бир-бирига қўполлик қилиш, ҳақорат қилиш ва кийимини йиртиш каби ҳолатлар ҳам кузатилади.

Севарахон исмли танишимнинг айтишича, куёвнавкарлар ердан анча баланд айвонда матони тортишиб-тортишиб, четга келиб қолишади. Шунда бир йигит боши билан пастга йиқилиб тушади. Уни тезда касалхонага олиб кетишади. Буни кўрган келиннинг онаси қаттиқ қўрққанидан қон босими ошиб кетади ва кечқурун қизининг тўйида иштирок эта олмайди.

Кўпчилик «Биз ҳам пойандоз талашганмиз, ҳеч нарса бўлмаган», дейиши мумкин. Тўғри, аммо салбий оқибат бўлмаслигига кафолат йўқ. Бир нотўғри ҳаракат турли жароҳатлар ёки ундан ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Қолаверса, тўйнинг шукуҳи, файзи қолмайди.

Ёшларнинг пойандоз учун жон-жаҳди билан тортишишида яна бир жиҳат бор, яъни атрофдагиларнинг олқиши ва томошабинлик кайфияти. Кимдир ҳайқириб туради, бошқаси телефонда тасвирга олади. Яна бошқаси «Ол, ол!» деб қўллаб-қувватлайди. Бундай пайтда йигитлар ўзларини тийиш ўрнига янада қизишади.

Қиссадан ҳисса шуки, бир парча мато учун бир-бирини туртиб-суртиш, ерда думалаш, жанжаллашиш қадрият эмас. Шундай экан, тўй эгалари ва маҳалла фаоллари куёвнавкарларга «Пойандоз талашманглар», деб тайинлаб қўйишса, кўп нохуш ҳолатларнинг олди олинади.

Энг муҳими, тўйларимизда меҳр, дуо, эзгу тилак ва хушмуомалалик устун бўлади.



Ҳилола ИБРОҲИМОВА,
журналист

МУШОҲАДА

БОЛАЛАРНИНГ БОЛАЛИГИНИ ЎҒИРЛАЯПМИЗМИ?

ёки билим бериб келажагини ўйлаяпмизми?

Яқинда «Facebook»даги оммабоп гуруҳлардан бирига оддийгина савол жойладим: «10 ёшли фарзандимга нималарни ўргатсам бўлади? Тенгдошлари нималар билан шуғулланяпти? Илтимос, тажрибангиз билан бўлишсангиз...».



Бундан мақсад – боламнинг интеллектуал ва жисмоний ривожланиши учун янги йўналишлар излаш, ота-оналарнинг замонавий тажрибасини ўрганиш эди. Бироқ изоҳларда шу қадар кескин баҳс ва айбловларга дуч келдимки, улар мени чуқур ўйга толдирди.

Фойдаланувчиларнинг бир қисми фарзандларини спорт, тил ва фан тўгаракларига бериб, уларда кучли интизомни шакллантиргани ҳақида ёзишди. Масалан, бир она қизининг муваффақиятларини фахр билан тилга олди: «10 ёшли қизим 3-синфни тугатди, инглиз тилида B2 даражасида эркин гаплаша олади, 5 ёшидан бери тил ўрганади. Шахмат, бадиий гимнастика, ментал арифметика ва мантиқий математика билан шуғулланади. Китобхонлик танловларида доим 1-ўринни оламиз...».

Аммо жамоатчиликнинг салмоқли қисми бутунлай бошқача фикрни илгари сурди. Улар мени болаликни ўғирлашда, гўдакни руҳан қийнашда айблашди. «Боланинг болалиги бўлсин, уни ўз ҳолига қўйинг», деган даъволар ортида қандайдир сохта инсонпарварлик яширингандек туюлди.

«Сиз ўғлингизга эмас, ўзингизга қўшимча иш топинг. Болага болалигини беринг, вақти келиб ўз йўлини топиб кетади. Катта бўлса, ёшлигида қийналганини алам билан эслайди. Сизга шу керакми?» деб ёзди улардан бири.

Яна бир изоҳда эса келажакда фарзандимдан дашном эшитишим мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришди: «Ўғлингиз мустақил фикрлай бошласа, «нега мени бунчалик қийнагансиз, тинч қўймагансиз, ойи», деб сўрашидан қўрқмайсизми?»

Хўш, биз «болани ўз ҳолига қўйиш, «Ўйнаса бўлди» деган лоқайдликка қачон ва қандай келиб қолдик? Бундай бўлмағур тушунчанинг тегирмонига кимлар сув қуймоқда? Наҳотки, замонавий психологиянинг «болани эркин қўйиш» ҳақидаги тавсияларини шу даражада нотўғри талқин қилаётган бўлсак?

Халқимизда «Ёшликда олинган билим – тошга ўйилган нақш» деган пурмаъно ҳикмат бор. Бу ҳақиқат замон тўфонлари ва нотўғри талқинлар ортида унутилиб кетяптими? «Бола ўйнасин-яйрасин, вақти келиб, ўз йўлини топиб кетади» дейиш аслида масъулиятдан қочиш эмасми? Агар ҳамма нарсани вақт ихтиёрига ташлаб қўйсак, унда жамиятда қандай қилиб даҳолар, олимлар ва юксак интеллектуал авлод шаклланади?

Олимлар 10 ёшгача бўлган давр инсон миясининг энг фаол, ҳар қандай билимни ҳайратланарли даражада тез ўзлаштираётган бебаҳо босқичи эканини таъкидлаб келишади.

Аждодларимиз тарихига бир назар ташлайлик. Ибн Сино 10 ёшида Қуръони каримни тўлиқ ёд олиб, адабиёт, мантиқ ва фиқҳ илмларини мукаммал эгаллаган эди. Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий айни шу ёшда илм уммонига шўнғиб, катта марраларни забт этиб бўлишганди. Уларнинг ота-оналари «болалигини ўғирламайлик» деб уларни бекорчиликка маҳкум қилишганида, бугун биз буюк Ренессанслар билан фахрлана олармидик? Нега энди ҳозир фарзандларимизга келажак пойдеворини қуришга келганда «аяш» ва бепарволик ҳисси устун келяпти?

Болани тўгаракларга бериш, илмга йўналтириш азоблаш эмас, балки иқтидорини уйғотишдир. Тўғри, жисмоний ва руҳий зўриқтириш, унга ортиқча босим ўтказиш ярамайди. Лекин тизимли машғулот ва интизомни «болаликни ўғирлаш» деб баҳолаш келажак авлодни онгли равишда заифлаштиришдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, болаларнинг болалиги тизимли машғулот, спорт ва илм билан гўзалдир. Уларни шунчаки телефон экранига термулиб ёки кўчада мақсадсиз вақт ўтказиб, «болаликни яшаш» иллюзиясига ташлаб қўймайлик. Чунки бугун уларга берилмаган билим ва ажратилмаган вақт эртага катта ҳаётда қийналишларига сабаб бўлиши мумкин.



Озода МАМАДАЛИЕВА,
журналист

Марокли дам олинг, азиз газетхон!



Жўрабек Набиев ижросида

«БОЗУРГОНИЙ»

Менга кўргузиб неча қатлаким,
Юзда холу зулфи дудоқларинг.
Ёшириб неча мани хаста дил,
Надур, эй пари, бу иболаринг?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жамоаси Федерация аппаратининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Шохида Шайхуддиновага отаси

Бердиқул ХУДОЙҚУЛОВ

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси «UzAuto Motors» акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси

Дмитрий КОЛОДЯЖНИЙ

вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти бирлашган қўмитаси бош ҳисобчиси Турғун Чориевга онаси

Гулнора ЧОРИЕВА

вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharriming birinchi o'rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Gulruxbegim ODASHBOYEVA

Musahhih:
Dilorom XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 00:10
Topshirildi – 00:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: **133**

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 038 ta
Shundan: 6 508 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 339 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-911**

1 2 3 4 5 6